

Доғистонда мусулмон аскарлар хотирасига мажмуа барпо этилади



18:39 / 30.04.2021 1842

Доғистонда иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳалок бўлган мусулмон аскарлар хотирасига бағишлаб, 2021 йил 3 ноябргача ёдгорлик мажмуаси очишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради.

Россия мусулмонлари маънавий ассамблеяси раҳбари, Москва муфтийси Албир Крганов матбуот анжуманида ёдгорлик Каспийк шаҳрида қурилиши ҳақида маълумот берди.

«Мажмуа ишлари бўйича жуда кўп ташаббуслар олиб борилмоқда. Совет даврида миллионлаб мусулмонлар ўз ватанларини ҳимоя қилишда ҳалок бўлишган. Мажмуа очилиши 2021 йилнинг куз-қиш ойларида бўлиб ўтишини режалаштирмоқдамиз», дейди диний арбоб.

Кргановнинг сўзларига кўра, ёдгорлик мажмуаси марказида 4 устунли гумбаз ўрнатилади, унинг ичига Қуръон оятлари туширилган мрамар қўйилади. Ёдгорлик очилиши доирасида аскарларнинг ғалабага қўшган ҳиссасига бағишланган халқаро конференция режалаштирилган.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси